2010 йил 18 март, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 52 (11.613)

Баҳоси эркин нархда

# ҲАМКОРЛИК КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

**Аввал хабар қилинганидек, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 16 март куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.**

17 март куни Кўксарой қароргоҳида Қозоғистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоевнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Президентлар Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорлик, ўзларини қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Президентлар хавфсизлик масалаларига алоҳида тўхталдилар. Терроризм, экстремизм, наркобизнес, қурол-яроғ контрабандаси, оммавий қирғин қуроллари тарқалиши каби таҳдидларнинг олдини олишда, уларга қарши курашишда ҳамжиҳатликда иш юритиш зарурлиги қайд этилди.

Мамлакатимиз раҳбари Афғонистон можаросига эътибор қаратиб, Марказий Осиёда ва ҳатто минтақамиз чегараларидан ташқарида ҳам хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан бири Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш эканини таъкидлади.

Дунёда ахборот макони кенгайиб, энергетика ва экология муаммолари кўпаймоқда. Президентлар икки ва кўп томонлама асосда ахборот хавфсизлиги, энергетик ва экологик хавфсизлик соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар. Айни пайтда озиқ-овқат хавфсизлиги ҳам долзарб эканини ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалигида зараркунандалар ва ўсимликлар касалликлари, заҳарланган озиқ-овқат маҳсулотлари контрабандаси каби муаммоларга қарши биргаликда курашиш масалалари кўриб чиқилди.

Президентлар Ўзбекистон ва Қозоғистон расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида ўзаро мулоқотни давом эттирдилар. Унда асосий эътибор савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик масалаларига қаратилди.

Дунёда молиявий-иқтисодий бўҳрон ҳукмронлик қилаётганига қарамай, Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичи изчил ўсиб бормоқда. 2007 йилдан бу борадаги кўрсаткич 1 миллиард АҚШ долларидан зиёд рақамни ташкил қилиб келмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, бунда хомашёнинг улуши пасайиб, юқори қўшимча қийматга эга саноат маҳсулотларининг салмоғи ортиб бормоқда.

Савдо-иқтисодий алоқалар давлатлараро муносабатларнинг асосий таркибий қисмидир. Ўзбекистон ва Қозоғистон бу борада улкан имкониятларга эга. Гарчи, товар айирбошлаш ҳажми юксалаётган бўлса-да, унинг кўрсаткичлари ана шу имкониятларни тўлиқ акс эттирмайди. Демак, экспорт-импорт маҳсулотлари номенклатурасини яна бир бор қайта кўриб чиқиш зарур. Бундан икки томон ҳам бирдек манфаатдор.

Ўзбекистонда самолётлар, автомобиллар, автобуслар, юк ташиш машиналари, қишлоқ хўжалиги техникаси, кабеллар, қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади, пахта, пилла, мева ва полиз маҳсулотлари етиштирилади. Қозоғистонда буларнинг барчасига талаб бор. Айни пайтда Ўзбекистон бозорида ҳам Қозоғистон экспортчилари учун кенг фаолият майдони мавжуд.

Энергия манбаларини қазиб олиш, узатиш, транзит қилиш ҳам ҳамкорлик учун яхши соҳадир. 2009 йилда Туркманистон, Ўзбекистон, Қозоғистон орқали Хитойга табиий газ етказиб берадиган қувур ишга тушди. Бу кўп томонлама ҳамкорлик муваффақиятига ёрқин мисолдир. Мамлакатларимиз ёқилғи манбаларининг йирик захираларига эга ва бу соҳадаги алоқаларни ривожлантириш учун икки томонда ҳам имконият етарли.

Икки мамлакатнинг транспорт тармоқлари халқаро транзитдан келадиган даромадни кўпайтириш имконини беради. Автомобиль ва темир йўлларимиздан бир-бирига боғланган ягона умумий тизим сифатида фойдаланишни такомиллаштириш, экспорт-импорт ва транзит юкларнинг эркин ва янада тезкор ҳаракати учун шароит яратиш борасидаги ишларни изчиллик билан мувофиқлаштирилган асосда давом эттириш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатларимиз ўртасида 2006-2010 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик дастури ва 2007-2016 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик стратегияси қабул қилинган. Бу ҳужжатлар савдо, сув-энергетика мажмуи, сармоя, молия, транспорт, коммуникациялар, божхона ва инновация борасида икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини ўзида мужассам этган. Уларни ҳаётга тўла татбиқ этиш орқали товар айирбошлаш кўрсаткичини бир неча ҳисса орттириш мумкин.

Музокарада таъкидланганидек, ишбилармонлар, ишлаб чиқариш корхоналари, вилоятлар ўртасида бевосита ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш зарур.

Икки мамлакатнинг иқтисодий, илмий-техникавий ва интеллектуал салоҳияти биргаликда юқори технологияли корхоналарни ташкил қилиш, юксак даражадаги қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун яхши замин бўлади. Ўзбекистонда ҳам, Қозоғистонда ҳам катта миқдорда хомашё мавжудлигини инобатга олиб айтиш мумкинки, айниқса, тўқимачилик, кимё, нефть кимёси каби соҳаларда қўшимча қийматни ошириш учун яхши ресурслар бор.

Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг илмий ва иқтисодий салоҳияти сув заҳираларидан унумли фойдаланиш борасида ҳам яхши имкониятлар очади. Хусусан, мелиорация ва ирригация йўналишидаги алоқалар муҳим. Сув тежайдиган технологияларни ишлаб чиқиш, ўзлаштириш, бу борада тажриба ва ахборот алмашиш долзарб масаладир. Бу билан қатор экологик ва ижтимоий муаммоларга барҳам бериш мумкин.

Музокарада Марказий Осиёда сув-энергетика заҳираларидан унумли фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди. Трансчегаравий дарёлар бўйида гидротехника иншоотларини барпо этишда минтақадаги ҳамма давлатларнинг манфаатларини, хавфсизлигини инобатга олиш, бу иншоотларнинг лойиҳасини мустақил халқаро экспертизадан ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги маданий-гуманитар алоқалар ҳақида сўз юритганда, бу йўналишдаги ҳамкорлик илм-фан, таълим, маданият ва санъат, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик ва спорт соҳаларини қамраганини таъкидлаш жоиз. Томонлар маданий-гуманитар ҳамкорликни янада фаоллаштириш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

Музокара якунида Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентларининг Қўшма баёнотига имзо чекдилар. Шунингдек, Дипломатик ваколатхоналар биноларини қуриш учун ер участкаларини тақдим этиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2010-2011 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, 2010-2012 йилларга мўлжалланган маданий-гуманитар ҳамкорлик дастури имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар музокара очиқ, дўстона руҳда, ишчан кайфиятда ўтганини таъкидладилар.

— Ўзбекистон ҳам, Қозоғистон ҳам ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдордир, — деди Ислом Каримов. — 2009 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1,3 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Бу 2006 йилдаги кўрсаткичдан икки баравар кўпдир.

— Ўзбекистон Марказий Осиёдаги йирик давлат, қадимий маданият марказидир, — деди Нурсултон Назарбоев. — Дунёда молиявий-иқтисодий инқироз ҳукм сураётганига қарамай, 2009 йилда Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ривожланди. Ўзбекистон ва Қозоғистонда ўзаро ҳамкорлик кўламини кенгайтириш учун улкан имкониятлар мавжуд.

Куннинг иккинчи ярмида Президентлар Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев Мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу орзу-умидларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Қозоғистон Президенти миллий меъморчилик ва замонавий архитектура анъаналари асосида бунёд этилган муҳташам "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройини бориб кўрди. Пойтахтимиз марказида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларига юксак баҳо берди.

Олий мартабали меҳмон Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуини зиёрат қилди. Ҳазрати Имом жомеъ масжиди билан танишди, Мўйи муборак мадрасасида бўлди, муқаддас Қуръоннинг энг нодир қўлёзмаси – Усмон мусҳафини кўздан кечирди.

Шу билан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Кеча Тошкентда Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда Бозор ислоҳотлари илмий-тадқиқот институти ҳамкорлигида «Қишлоқ хўжалигида илм-фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда экинлар ҳосилдорлигини ошириш, сифати ва рақобатбардошлигини яхшилаш, ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш» мавзуида республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди.**

**● Самарқанд шаҳридаги «Ёшлар маркази»да тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандлар ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ташаббус—2010» кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.**

**● Андижон туманининг «Куйганёр» қишлоғида маҳаллий тадбиркор Ғолибжон Абдумухторов саъй-ҳаракатлари билан янги паррандачилик фабрикаси қурилиб, унга Хитойдан келтирилган замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилди. Ҳозирда янги фабриканинг маҳсулотлари шартномавий асосда халқ таълими ва соғлиқни сақлаш муассасалари, шунингдек, савдо ташкилотларига етказиб берилмоқда.**

**● Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Вобкент туманидаги филиалига 65 миллион сўмлик замонавий даволаш-ташхис асбоб-анжомлари тўплами топширилди. Таъкидлаш жоизки, умумий қиймати 691 миллион сўмлик янги тиббиёт анжомларини Бухоро вилоятининг шаҳар ва туманларидаги марказнинг яна ўнта филиали қабул қилиб олди.**

**● Хоразмдаги «HAZORASP AGREGAT MASH» корхонасида янги қувватларни ўзлаштириш ҳисобига тайёрланаётган бутловчи қисмлар тури 13 тага етди. Ҳозирда 70 киши меҳнат қилаётган мазкур корхонада ойига ўртача 50 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрланмоқда.**

**● Фарғона вилояти Охунбобоев туманидаги транспорт ва йўл қурилиши касб-ҳунар коллежида Баркамол авлод мажмуаси очилди. Айтиш керакки, ушбу мажмуа фаолияти мактаблар, лицейлар ва коллежларда таҳсил олаётган, маҳалла ёшларининг илмий, техник ва бадиий салоҳиятини ривожлантириш, ўсмирлар ва қизлар ижодий қизиқишларини рағбатлантириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга йўналтирилган.**

**● Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида мамлакат лок-бўёқ саноати учун жуда керакли бўлган ва илгари хориждан келтирилган углеводородли эритмани ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ушбу маҳсулот юқори сифатли ва хорижникидан бирмунча арзон бўлганлиги сабабли мамлакатимиз бозорларини тўлдирмоқда.**

### ЖАҲОНДА

**● Украина Президенти В.Янукович Украина Қозоғистон ва Россия билан биргаликда ГЛОНАСС лойиҳасини амалга оширишда қатнашишини маълум қилди.**

**● АҚШда нефть заҳиралари 6 мартдан 12 мартга қадар 1 миллион барреллга кўпайди.**

**● Покистон суди 2009 йилда қўлга олинган беш нафар америкалик фуқарога нисбатан террорчилик ҳаракатларини режалаштириш бўйича расмий айблов эълон қилди.**

**● Россия Фавқулодда вазиятлар вазирлиги авиация бошқармасининг бир гуруҳ офицерлари фирибгарликда айбланиб, ҳибсга олинди.**

**● Грецияда энергетиклар, тиббиёт соҳаси ходимлари ва ўт ўчирувчилар эълон қилган иш ташлашларга таксичилар ҳам қўшиладиган бўлди.**

**● Кеча Москва шаҳридаги шоҳкўчалардан бирида олиб борилаётган қазиш ишлари пайтида ер остидан Иккинчи жаҳон уруши даврига тегишли артиллерия снарядлари омбори топилди. Кечанинг ўзида бу ердан 522 дона снаряд олиниб, хавфсиз жойга етказилгани ҳолда зарарсизлантирилди. Мутахассисларнинг айтишларича, омбордаги снарядлар сони 2 мингтадан ошиши мумкин.**

**● Сурия шимолидаги Ҳалаб туманида Искандар Зулқарнайн даврига оид 250 та кумуш танга топилди. Маълумотларга кўра, хазина тасодиф туфайли қўлга киритилган. Яъни, маҳаллий аҳоли вакилларидан бири янги уйига пойдевор қазиётганда тангаларга дуч келган.**

## Улкамизда Наврўз нафаси

# МУРУВВАТ ВА САХОВАТ ТИМСОЛИ

**Наврўз байрами арафасида ЎзА мухбирлари мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий дипломатик корпус вакиллари билан суҳбатлашди.**

Атроф гуллар билан бурканган, гўзал табиат ўз чиройини кўз-кўз қилаётган, кўклам нафаси уфуриб турган кунларда, уйғониш ва яшариш фасли бўлмиш баҳорда юртингизда катта тантана билан нишонланадиган Наврўз кишига катта завқ бағишлайди. Бу байрам тинчлик-осойишталик ва тўкинсочинлик рамзидир. Наврўзни барча қатори мен ҳам орзиқиб кутаман.

**Одил Муҳаммад Абдурасул Ҳасан ҲАЁТ, Кувайт Давлатининг Фавқулодда ва Мухтор элчиси:**

– Наврўз айёмини катта тантаналар билан нишонлаш ўзбек халқининг энг гўзал анъаналаридандир. Баҳор нафаси уфуриб, ён-атроф яшил либосга бурканаётган кунларда шундай ажойиб байрам нишонланишида катта маъно бор.

**Нодия Иброҳим КАФФОФИЙ, Миср Араб Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор элчиси:**

– Ўзбекистон – Марказий Осиёнинг юраги. Бу муқаддас замин халқи кўп асрлардан буён ўзининг беназир маданияти, гўзал урф-одатлари, қадрият ва анъаналари билан инсониятни ҳайратга солиб келади. Халқларимиз маънан бир-бирига яқиндир. Ўзбеклардаги меҳр-оқибат, бағрикенглик, хушмуомалалик, меҳмондўстлик, ўзининг бой тарихи ва бугуни билан фахрланиш фазилатлари ибратлидир.

Ўзбекистонда барча байрамлар ўзгача шукуҳ билан нишонланади. Мамлакатингиздаги фаолиятим давомида бунга кўп бор амин бўлганман.

(Давоми 2-бетда).

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **АБУ** Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетига қарашли талабалар турар жойида янгиланиш, яшариш айёми Наврўз муносабати билан талабалар, ўқитувчилар иштирокида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

✓ **РЕСПУБЛИКА** болалар ижтимоий мослашув маркази қошида ижтимоий ходим ўқув курси ташкил этилди.

✓ **КЕЧА** Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида «Наврўз — бирдамлик байрами» мавзуида бадиий-мусиқали тадбир ўтказилди.

✓ **«ЧИЛОНЗОР»** болалар спорт мажмуасида «Гўзаллик ниҳоллари» деб номланган бадиий ва спорт гимнастикаси мусобақасининг Чилонзор туман босқичи бўлиб ўтди.

# Ўлкамизда Наврўз нафаси





## МУРУВВАТ ВА САХОВАТ ТИМСОЛИ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Гўзаллик ва нафосат, мурувват ва саховат тимсоли бўлган бу айёмни барча орзиқиб кутади. Бир неча йилдан буён ана шу қадрли байрамни халқингиз билан биргаликда нишонлаб келаётганимдан жуда хурсандман.

Мамлакатингизда миллий қадриятларни тиклаш, ўрганиш ва тарғиб этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли эзгу ишлар таҳсинга сазовор.

**Абдулазиз бин ҲОРУН, Малайзиянинг Фавқулодда ва Мухтор элчиси:**

– Ўзбекистон халқи Наврўзни нишонлашга катта тараддуд кўраётганига гувоҳмиз. Бу навқирон ва қадимий замин неча асрлардан буён ўз меъморий обидалари, алломалари, хушмуомала ва меҳмондўст халқи билан барчани ҳайратга солиб келмоқда. Дарҳақиқат, гўзал юртнинг инсонлари ҳам гўзал бўлади. Ўзбек халқининг катта инсонийлик билан йўғрилган бундай гўзал анъаналаридан, юксак маданиятидан ўрнак олса арзийди.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси халқини Наврўз байрами билан чин дилдан муборакбод этаман. Эл-юртингиз омон, осмонингиз доимо мусаффо бўлсин.

**Юртимизнинг ҳар бир гўшасида Наврўз кўтаринки руҳда кутиб олинаётир. Республика Болалар кутубхонасида ҳам бу қадриятимиз ўзига хос тарзда нишонланди.**

## КУТУБХОНАДА БАЙРАМ ШОДИЁНАСИ

Байрамона баҳорий таомлар билан безатилган тўкин дастурхон атрофидан жой олган меҳмонлар қалби шодликка тўлди.

Республика мусиқа коллежи ва шаҳар ўқувчилар ижодиёт маркази томонидан тайёрланган концерт дастури барчага манзур бўлди.

— Наврўз халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган, миллий қадриятларимизни, урф-одатларимизни қамраб олган байрамдир, — дейди кутубхона директори Фотима Бухарова. — Дунёда миллатлар ва элатлар кўп, ҳар бирининг ўз анъаналари бор. Шарқ мамлакатлари юрагидан жой олган, минг йиллик довонлардан ошиб келаётган муборак Наврўзи оламнинг ўз гашти, файзу таровати бор. Сумалагу ҳалим, кўк сомса-ю чучвараларнинг таъми етти иқлимга машҳур. Момоларимиз томонидан айтиладиган лапар ва ўланлар, қизларимиз сочидаги гулчамбару жамалаклар байрамнинг янада файзли ва хушнуд ўтишини таъминлаб беради. Бемор ва ёлғизларнинг ҳолидан хабар олиб, саховат кўрсатиш, ёрдам бериб, кўнглини олиш Наврўзнинг ўзига хос анъаналаридан бири ҳисобланади. Ҳар бир хонадонга қут-барака улашиб келаётган баҳор байрамининг тароватли лаҳзалари барчамизга хуш кайфият улашаверсин. Бундай файзли кунларнинг қадрига етиб, ҳар бир лаҳзасини ўзига хос кутиб олиш барчамизга насиб этсин.

Ҳа, Наврўз янгиланиш, яшариш байрами. Унинг бағрида гўзаллик, нафосат, кўркамлик ва яратишдек энг нафис муждалар мавжуд. Халқимизнинг эзгу ўйларини, муқаддас анъаналарини ўзида сингдирган Наврўз байрами барчамизга қутлуғ бўлсин.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари

## БЕҒУБОР ОРЗУЛАР ИЖОБАТИ

**Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти изланувчан, қобилиятли, эзгу мақсадлар сари дадил интилаётган истеъдод соҳибаларини аниқлаш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Бу жиҳатлар ёш мусиқачи, Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг 8-синф ўқувчиси Нодира Дадамуҳамедова ҳаётида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.**

Мусиқа – сеҳрли олам. Унинг жозибасига мафтун бўлмаган, меҳр қўймаган инсон кам. Акмал ака ва Гулнора опа хонадонида ҳам санъатнинг бу турини барча қадрлайди. Шунданми, жаҳон ва миллий мумтоз мусиқа асарларидан намуналар бу оилада каттаю кичик томонидан алоҳида меҳр ва эътибор билан тингланади. Инсоннинг руҳий-маънавий камолоти, тафаккурининг ривожида мусиқа санъатининг аҳамияти алоҳида эканини яхши англаган ота-она Нодиранинг бу йўналишда мукаммал таълим-тарбия олиши учун барча шароит ва имкониятларни яратишга ҳаракат қилади.

Нодира Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейига ўқишга борганида унинг фортепиано ижрочилиги билан бирга барча умумтаълим фанларини пухта ўзлаштириши, қобилияти, зукколиги ўқитувчилар эътиборини тортди. Санъат сирларини мукаммал эгаллашда устози, моҳир педагог Алла Ким Нодирага бор меҳри, билимини беради. У ўқиш билан бирга тасвирий санъат, чеварлик, миллий каштачилик, спорт тўгаракларига ҳам қатнайди.

Дастлаб мамлакатимиз миқёсидаги ёш ижрочилар кўрик-танловлари, «Санъат ғунчалари» ижодий беллашувлари, фестивалларда муваффақиятли иштирок этган Нодиранинг ҳаётида 2003 йилда унутилмас воқеа юз берди. У Грециянинг Маркополо шаҳрида бўлиб ўтган «Konzerteum» халқаро танловида иккинчи ўринни эгаллади.

Ушбу ижодий беллашувда қиркдан зиёд мамлакатдан келган иштирокчи ўғил-қиз ўз маҳоратини кўрикдан ўтказди. Кулча юзли, кўзлари ҳамиша кулиб турувчи ўзбекистонлик саккиз яшар қизнинг Моцарт, Шопен каби номдор композиторларнинг асарларини маромига етказиб, юксак маҳорат билан ижро этганини бутун зал ҳайратланиб, гулдурос қарсаклар билан узоқ олқишлади.

– Ўшанда жуда ҳаяжонланган эдим, – деб эслайди Нодира. – Ўзга юрт, томошабинлар ҳам, саҳна ҳам мутлақо нотаниш. Ота-онам, меҳрибон устозларим, жонажон Ватанимиз кўз ўнгимда гавдаланди. Шунда бор ҳаяжон унут бўлди. Ғолиб бўлганимни билганимда, кўзларимда ёш қалқди...

2004 йилда Нодира Париж шаҳрида бўлиб ўтган Н.Рубинштейн номидаги еттинчи халқаро ёш пианиночилар танловида дунёнинг кўплаб давлатларидан келган тенгқурлари орасида ўзининг юксак ижрочилик маҳоратини, оҳангларни нозик ва теран ҳис этишини муносиб намойиш эта олди. Унинг ижроси танлов ҳакамлар ҳайъати ва санъат ихлосмандлари томонидан биринчи ўринга лойиқ топилди.

Нодиранинг тиришқоқлиги, изланувчанлиги мусиқа санъатининг сирларини пухта ўрганишида ўзига хос омил бўлди. Эстония, Финляндия, Италия, Португалия, Франция каби давлатларда бўлиб ўтган халқаро мусиқа кўрикларида бир неча марта ғолиб бўлгани, концертларда, санъат байрамларида муваффақиятли иштирок этгани ёш мусиқачининг истеъдоди, билими, маҳорати нечоғли баланд эканидан яна бир далолатдир.

Кейинги йилларда Нодира Руминиядаги «Pro Piano Romania» ўн иккинчи халқаро ёш ижрочилар кўрик-танлови ва Украинада бўлиб ўтган «Индивидуалис» еттинчи мусиқа танловида биринчи ўринни қўлга киритди. Ўзбек қизининг Бах, Шопен, Бетховен, Моцарт каби машҳур композиторларнинг асарларини юксак маҳорат билан ижро этиши мусиқа соҳаси билимдонлари, педагоглар, санъатшунослар томонидан кўп бор алоҳида эътироф этилган.

– Юртбошимизнинг истеъдод соҳибаларига ғамхўрлигининг ифодаси бўлган Зулфия номидаги Давлат мукофоти мен учун энг қадрли мукофотдир, – дейди Нодира. – Бу юксак эътибор ва ишончни оқлашга астойдил ҳаракат қиламан. Орзуим – Ватанимизнинг шуҳратига шуҳрат қўшиш!

Ҳа, Нодира Дадамуҳамедова эришган муваффақиятлар замирида юртимизда ёшлар камолоти ва истиқболи йўлида кўрсатилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик мужассам. Бундай меҳр самараси ўлароқ, дунё аҳли Ўзбекистон истеъдодлар юрти эканига такрор-такрор гувоҳ бўлмоқда.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири**

Туманларда

## УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

**Мамлакатимизда амалга оширилаётганислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратиш бугунги куннинг энг муҳим масалалари сирасига киради.**

Шайхонтоҳур туманидаги корхона, ташкилотлар раҳбарлари иштирокида ўтказилган йиғилишда айни шу жиҳатлар инобатга олинди.

Йиғилишда туман ҳокимлиги тузилмалари ҳамда жамоат ташкилотлари вакилларининг бу борадаги устувор вазифаларга доир фикрлари тингланди.

Айтиб ўтиш жоизки, йиғилишда коллеж-лицей битирувчиларини иш билан таъминлаш масалалари кенг муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, йил давомида ёшларнинг ҳуқуқ, манфаатларини ҳимоя қилиш, «Соғлом она — соғлом бола» дастурини изчил амалга ошириш асосидаги чора-тадбирларни янада кучайтириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим вазифалар сифатида асосий эътиборда бўлади.

Бундан ташқари, янгиланиш, яшариш айёми — Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш борасидаги масалалар ҳам йиғилганлар томонидан алоҳида эътироф этилди. Белгилаб олинганидек, байрам кунлари кўмакка муҳтож, кам таъминланган оилалар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, уруш ва меҳнат фахрийларига моддий ёрдам кўрсатилади.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

Фан

## КОРХОНАЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

**Минерал-хом ашё негизининг ҳозирги ҳолатини тадқиқ этишда геология ва геофизика институти олимлари фаоллик кўрсатмоқда.**

Мамлакатимиз ҳудудидаги қатор конларни геологик тадқиқ этишда эришилаётган ютуқлар халқаро доирада ҳам юқори баҳоланмоқда.

Илмий муассасанинг Олмалиқ кон-металлургия, Навоий кон-металлургия комбинатлари билан ҳамкорлиги натижаси ўлароқ янги технологиялар юзага келди. Ушбу истиқболли техника ижодкорлиги ҳақида илмий тўплам босмага тайёрланди.

**Акбар АЛИЕВ**

Қарор ва ижро

## ТАДБИРКОР ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

**Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган Инқирозга қарши чоралар дастурида кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Солиқ ва кредит имтиёзлари билан бир қаторда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай муҳит яратиш мақсадида институционал ислоҳотларни янада чуқурлаштириш бу жараёнда алоҳида аҳамиятга эга.**

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 15 майда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан тадбиркорлик субъектларига яна бир қанча қўшимча имтиёз ва кафолатлар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан пойтахтимизда ташкил этилган тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишларга бағишланган семинарда шу ҳақда гап борди.

Тадбирда тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган доимий эътибор аҳоли фаровонлигини янада оширишга хизмат қилаётгани таъкидланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларининг тобора ривожланаётгани янги иш ўринлари яратилишига салмоқли ҳисса қўшиши баробарида аҳоли эҳтиёжини таъминлаётган маҳсулот ва хизматлар бозорини кенгайтирмоқда. Улар ўртасида шаклланаётган соғлом рақобат муҳити маҳсулот ва хизматларнинг сифат ва самарадорлиги яхшиланишига кенг йўл очаётир.

Айни пайтда давлатимиз раҳбарининг юқорида номи келтирилган қарори асосида кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича хизмат кўрсатиш, архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш, юридик ва жисмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш, банкларда ҳисобрақамларни очиш учун тўловлар миқдори бир мунча қисқартирилди.

Яратилаётган бу каби имконият ва имтиёзларни тадбиркорларга етказиш мақсадида Адлия вазирлиги ва ҳудудий адлия органлари томонидан жойларда кўплаб ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. Тадбиркорлик субъектлари учун мунтазам равишда “Очиқ эшиклар куни” ташкил этилиб, учраётган айрим муаммолар адлия органлари кўмагида ечилмоқда. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатларини зудлик билан аниқлаш ва қонуний чоралар кўриш мақсадида адлия идоралари тизимида жорий этилган “Ишонч телефони” ҳам ўз самарасини бермоқда.

Тадбирда тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан батафсил жавоб олдилар.

## ЯНГИ КИТОБ ТАҚДИМОТИ

**Миллий санъат марказида машҳур олим Галина Пугаченкованинг «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан чоп этилган «Улуғбек даври меъморчилиги» деб номланган китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.**

Мазкур жамоат ташкилоти томонидан “Ijod” рассомлар, санъатшунослар ва халқ усталари уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда таниқли олимлар, санъатшунослар, рассомлар, педагоглар, ижодкор ёшлар, жамоат ташкилотлари ва мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида илм-фан, маданият, санъат, таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни миллий қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Бу масалаларни ҳал этишда жамоат ташкилотлари ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда. “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси фаолиятида ижтимоий-гуманитар фанларни қўллаб-қувватлаш, олимларнинг илмий ишларини ўрганиш, чоп этиш ва тарғиб қилишга кўмаклашиш устувор йўналиш ҳисобланади. Пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишланган “Тошкент – бир шаҳар тарихи” тўплами, таниқли археолог Эдвард Ртвеладзенинг “Марказий Осиё цивилизацияси, давлатлари, маданиятлари” китоби ҳамда бошқа кўплаб нашрларнинг чоп этилиши ва тақдимоти шулар жумласидандир.

Г.Пугаченкованинг илмий меросида Амир Темур ва Темурийлар даври меъморчилиги муҳим ўрин эгаллайди. “Улуғбек даври меъморчилиги” номли китоб академик олиманинг энг сўнгги илмий ишларини ўз ичига олган. Ҳажман кичик, аммо мазмунан теран ушбу янги китоб Мирзо Улуғбек замонидаги Ўзбекистон меъморчилиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

Мазкур китобни ўқиб, Галина Пугаченкованинг юксак истеъдод соҳибаси бўлгани, унинг қадимий давр ҳақида таъсирчан, ифодали ва оддий тилда чиройли ҳикоя қилиш, мураккаб илмий муаммолар мазмун-моҳиятини чуқур англаш қобилиятига эга бўлганига яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Китоб “Улуғбек даври меъморчилиги”, «Самарқанд ёдгорликлари ҳақида уч ривоят», «Шоҳизинда», «Бибихоним меъморий ёдгорлиги» каби бўлимларни ўз ичига олган.

Галина Пугаченкова қадимий ва ўрта асрлардаги Марказий Осиё меъморчилиги, тасвирий ва амалий санъати тарихининг буюк тадқиқотчиси сифатида бутун дунёга машҳур. У яратган илмий ишлар 700 дан ортиқ бўлиб, уларнинг кўп қисми инглиз, француз, немис, итальян ва бошқа тилларда чоп этилган. Давлатимиз раҳбари фармонларига мувофиқ, олима истиқлол йилларида Ватанимизнинг юксак мукофотлари — «Дўстлик», «Буюк хизматлари учун» орденлари билан тақдирланган.

**(ЎзА)**

# ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

(Давоми. Боши 3-бетда).

## ЖУМА, 26

### «Ўзбекистон»

### «Ёшлар»

### «Тошкент»

### Первый канал

### Россия

### НТВ

### СТС

### «Спорт»

## ШАНБА, 27

### «Ўзбекистон»

### «Ёшлар»

### «Тошкент»

### «Спорт»

### Первый канал

### Россия

### НТВ

### СТС

## ЯКШАНБА, 28

### «Ўзбекистон»

### «Ёшлар»

### «Тошкент»

### «Спорт»

### Первый канал

### Россия

### НТВ

### СТС

Тошкент машинасозлик институти томонидан 1990 йил 13 июлда Кенеимов Марат Каюмович номига берилган 144-НМ рўйхат рақами, ФВ 926291 сонли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 4721 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 5

Буюртма Г- 206

Топширилган вақти: 13.50